

## ҚАЛБ КОНЦЕПТИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ СЕМАНТИК ТОМОНЛАРИ

Т.К.Мардиев СамИСИ доценти

**Аннотация:** Мақолада инсон туйғуларидан бири бўлган қалб концептнинг ўзбек тилидага этимологик ва семантик томонлари мавжуд адабиётлар орқали таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада қалб концептнинг метофорик ва физиологик томонлари тўғрисида ҳам қисман фикрлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** туйғу, этимологик, семантик, нафис, психик, ментал, кўнгил, дил, илиқ, эмоционал.

**Аннотация:** В статье анализируются этимологические и семантические аспекты понятия сердце, которое является одной из эмоций человека, в узбекском языке на основе доступной литературы. Также в статье высказаны некоторые мысли о метафорическом и физиологическом аспектах понятия души.

**Ключевые слова:** чувство, этимологическое, смысловое, нарядное, психическое, душевное, сердечное, теплое, эмоциональное.

**Annotation:** The article analyzes the etymological and semantic aspects of the concept of heart, which is one of the human emotions, in the Uzbek language based on available literature. The article also expresses some thoughts about the metaphorical and physiological aspects of the concept of soul.

**Key words:** feeling, etymological, semantic, elegant, mental, spiritual, heartfelt, warm, emotional.

**Кириш.** Маълумки, инсон ҳис-туйғулари ичида қалб концепти энг олий, азиз ва нафис ички кечинмалардан бири ҳисобланади. Ушбу туйғунинг қанчалик эътиборили эканлиги тўғрисида нафақат ўзбек бадий, шеърый қолаверса диний манбаларда ҳам етарлича маълумотлар берилган. Биз мазкур мақоламизда ушбу тушунчанинг семантик томонларини бироз бўлсада очиб беришга ҳаракат қиламиз. Шу билан биргаликда асосий мавзунинг бир қисми бўлган концепт тўғрисида ҳам қуйидаги фикрларимизни баён қилишни мақул топдик. Хусусан, таниқли олима Е.С.Кубрякованинг “Когнитив терминларнинг қисқача луғати”да концепт атамасига қуйидагича таъриф берилади. “Концепт – инсоннинг билим тажрибаси, хотиранинг амалий мазмунли бирлиги, ментал лексикон, концептуал тизим ва тил, инсон психикасида акс этган оламнинг барча тасвирини бизнинг онгимизга сингган ва информацион тузилишлардаги ментал бирликлар ёки психик ресурсларни тушунтириш учун хизмат қилади” [2,8]. Концепт – ментал тузилма бўлиб, у турли таркибдаги ва кўринишдаги билимлар кванти ёки умумлашмасидир.

Шунингдек концепт тушунчаси тўғрисида “Oxford” изоҳли луғатида қуйидагича маълумотлар берилди. Чунончи, “Concept” атамасидаги маъно XVI асрнинг ўрталарида латин тилидаги *Conceired, Concipere* – *англамоқ, тушунмоқ* деган сўзнинг семантикасини ифодаловчи тушунча сифатида кириб келди [4,16]. Инглизча изоҳли луғатлардан яна бири “Webster”да “концепт” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган. “Concept” - (*Conceire*) гоё ёки тушунча, асосан бирор бир нарса ёки бир гуруҳга кирувчи объектларнинг умумий тушунчасидир [3,288]. Умуман концепт тўғрисида қатор хориж ва ўзбек олимлари кенг фикрларини бериб ўтишган. Ушбу муаммо бўйича фикрларни Ў.Қ.Юсупов, Д.У.Ашурова, А. Абдуазизов, Ш.Сафаров, Н.М.Джусупов, А.Э.Маматов каби бир қатор ўзбек олимларининг ишларида ҳам кузатишимиз мумкин. Концепт тўғридан-тўғри тилдаги инсон омилига боғлиқ муносабатда бўлади. У инсон дунёқарашининг интеллектуал, эмоционал, баҳоловчи ва образли маҳсулидир. Концептнинг мазмуни бир умумий маъно билан бирлашган лексик birlikлар орқали ифода қилинади ва улар лексик-семантик майдонни ташкил этади. Тадқиқотчининг фикрича, “Семантик майдон” термини биринчи марта Г.Ипсен томонидан қўлланилган ва ҳозирги тилшуносликда лексик-семантик birlikлар йиғиндисини ифодалашда “майдон”, “гуруҳ”, “парадигма” каби терминлар билан бирга концепт “маданий концепт” атамалари кенг тилга олинади. Бунда майдон тушунчасида моҳияти бўйича бир-бири билан бевосита семантик жиҳатдан боғлиқ бўлган маълум бир тилдаги сўзлар майдони назарда тутилган [3,13-17]. Энди мавзунинг асосий қисми тўғрисида ҳам бироз фикрларни баён этамиз.

Қалб концептининг асл луғавий маъноси ўзбек тилида икки хил маънода қўлланилади: *юрак* шакли асосан организм; *қалб* эса кўчма маънода, шу каби *кўнгил, дил* каби маъноларни ҳам англатади. Ўзбек тилида ҳам кишининг ички физиологик органларидан бири сифатида *юрак* сўзи қўлланилади.

Қалб (*юрак*) лексемасининг кўчма маънодаги вербаллашуви ўзига хос хусусиятларга эга.

1. Эмоционал марказ, яъни, ҳис-туйғуларини бошдан кечириш жойи, жумладан, муҳаббатнинг илиқ ҳис-туйғулар жойлашган ўрни шаклида бўлади;

2. Инсонга хос бўлган мойиллик, жиҳатдаги характер каби асосий хусусиятлар;

3. Ҳамдардлик билдириш, қайғуга шерик бўлиш каби туйғулар;

4. Матонат, жасурликка хос туйғулар;

5. Ҳаётий муҳим ёки ундан ҳам қимматлироқ туйғуларга эга бўлиш кабилар. Кўриниб турибдики, қалб (*юрак*) концептининг инсонга хос туйғу – ҳиссиёт концептуал белгилари кўп бўлиб, шундан тўрттаси кенг қўлланилади:

1. Юракнинг физиологик орган сифатида тушунилиши (кўкрак қафаси соҳасидаги ички физиологик орган);
2. Инсон туйғулари ва эмоциясининг жамланиши;
3. Инсон туйғусининг бу соҳадаги муҳим марказий қисми;
4. Юракнинг символик (рамзий) тасвири.

Луғатлар маълумотлари бўйича концептуал белгиларнинг аниқланиши, юрак лексемаларининг семантикаси ўзбек тилида рус тилидаги *сердце* сўзига қараганда кенгроқ таснифланган. *Юрак* лексемалари семантикасида қуйидаги тасаввурлар умумий ҳисобланади: юрак – қонни ҳайдайдиган ва ҳис-туйғуларни туғдирувчи органи сифатида тасаввур қилиниши.

Таъкидлаш керакки, ўзбек тилида қалб ва юрак бир хил маъно англатса-да, барибир бу икки шакл маъносида фарқ бор. Умуман олганда, қалб инсоннинг ички ҳаёти ва эмоция-туйғуларга жавоб беради. Юрак асосан физиологик орган сифатда қўлланилса-да, унда ҳам баъзан кўчма маънода эмоция-туйғулар англашилади.

Мисолларни талқин қилишда юрак сўзи концептлашувининг икки асосий йўлини ажратиб кўрсатиш имконини беради: анатомик ва физиологик, яъни юракнинг орган ёки соматик сифатидаги хусусиятларга эгаллиги маълум бўлади.

Юрак ҳақидаги анатомик талқинларга кўра унинг қуйидаги маъно-хусусиятлари маълум бўлади:

1. Географик марказ, мамлакатнинг (шаҳар)нинг марказий қисмини англатади. *Юрак* сўзи инсон танасидаги марказ органлардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан юракни мамлакатнинг маркази, яъни, географик марказни, марказий қисмини ифодалаш ўзбек тилига хос хусусиятдир.

2. Юракни эмоционал ҳаёт маркази сифатида тасвирлаш бошқа тиллар каби ўзбек тилига хос хусусиятдир.

Юракни қалбга ўхшатадилар, яъни, бу икки лексема синоним тарзида инсон туйғулари ва ички кечинмаларини ифодалашда қўлланилади: Ким учундир юраги ачийди; кўчма маъно эса *юрак оғрийди – қалб қийноқлари* маъноси англашилади. Шунини таъкидлаш муҳимки, қалб концепт сифатида инсон тилида қўлланилгани ҳолда хилма-хил психик жараёнларга жавоб беради. Бунда *юрак* моддий субстанция сифатида, *қалб* учун ва у билан боғлиқ бўлган ҳодисалар учун ҳам “платформа” деб тушунилади: *юрак қаттиқ уряпти, юрак қонга тўлаяпти, юрак қувнаяпти, юракка, қалбга оғриқ, юракда тош бордек туюлади* кабилар.

Бундай тушунчаларда инсоннинг юрак соҳасини синондан ўтказадиган, қалб қийноқлари, кечинмалари билан синайдиган физик (жисмоний) бўлмаган туйғулар ҳақида сўз боради. Кимнингдир *юраги уриб турибди* дейилганда, *юрак уряпти, пульс бераяпти* маъносини беради. Афтидан, бундай хулосалар

пульсни ўлчаш асосида чиқарилади. Шафқатсиз одам ҳақида гапирганда, у юраксиз сўзи ишлатилади, бунда унинг юраги жисмоний орган сифатида йўқлигини билдирмайди; балки қалбдаги оғриқлар ҳақида гапирилиб, раҳм-шафқатсиз маъносида лексемаси қўлланади.

3. Бирликнинг муҳим функционал қисми ҳам англашилади. Бирор бир мавжудликнинг маркази, муҳим қисми ҳақидаги тасаввур қилинганда юрак компонентли ибораларда унинг анатомик ва физиологик орган сифатида ўзига хосликлари билан ифодаланади: *юрак жуда чуқурда жойлашган, ҳаёт учун жуда муҳим, у уриб турибди ва пульс бераяпти* каби.

Физик дискрет жонсиз предметда ҳам юрак бўлиши мумкин, масалан, двигатель машинанинг юраги ҳисобланади. Масалан, *Машинанинг юраги* (двигатели) *бир текисда ишляпти*. Юрак-марказ метафораси функционал аспектда юракнинг физиологик тушунишга асосланади. Юрак қонни ҳайдовчи двигател механизмига ўхшатилади ва бунда юрак маъноси қўчма ҳолда метафора сифатида қўлланилади.

4. Юрак физик (жисмоний) предмет сифатида. Ўзбек тилларида юрак етарли даражада аниқлик билан физик хусусиятлари инсоннинг шахсий сифатлари ва эмоционал ҳолатига мос келадиган предмет сифатида таърифланган.

а). Юрак куйидаги терминларда ифодаланади: Масса – енгил бўлиш хусусияти, кўкрак (юрак)дан отилиб чиққудек, учишга ҳаракат қилиш ёки оғир бўлиш хусусияти – тошюрак бўлиш, юракда тош бордек, енгил юрак билан, тоза қалб билан, эркинлик ва бурчни бажарганлик ҳисси билан маъноларини билдиради.

б). Юракни тошга ўхшатиш, кўпинча инсоннинг салбий хусусиятларига нисбатан қиёс қилинади: тош қаттиқ ва совуқ бўлади. *Тош юрак, қаттиқ юрак, мустаҳкам юрак* маъносида баъзан яхши одамга нисбатан ҳам қўлланилади [1,374].

Хуллас, ўзбек тилида қалб-юрак лексемаларининг концептуал ва семантик таҳлили жараёнида тасдиқландики, қалб-юрак сўзлари ўзига хос этимологияга эга, аммо уларнинг семантикаси кўп жиҳатдан ўхшашдир. Шундай қилиб, ўзбек тилларида *қалб-юрак* лексемалари метафорик маъноларга эга.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь 1 том. – М.: СЭ – 1967.- 738 с.
2. КСКТ – Краткий словарь когнитивных терминов Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. – М.: Изд-во. МГУ, 1996.- 245) с.

3. Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш функционал-семантик майдони. Филол. фан номз.... дисс. – Т.: 2010.- 156-б.
4. Oxford Advanced – Oxford Advanced Learner’s Dictionary of Current English. – Guernsey: Oxford University Press, 1987.- 1041 p.
5. Webster’s – Webster’s New World Dictionary of American English, third college edition: Simant Schuster, Inc., 1988.- 1574 p.

## **STUDYING ENGLISH AS A FOREIGN LANGUAGE IN COMPARISON WITH THE MOTHER TONGUE**

**Kipchakova Sanobar**

teacher, Samarkand institute of economics and service

**Isakov Akmal**

student, Samarkand institute of economics and service

**Absalamov Abdulaziz**

student, Samarkand institute of economics and service

**Annotation.** The article discusses the importance of learning foreign languages in comparison with mother tongue and improving the language learning process. It is also highlighted the further improvement of learning English grammar and language skills.

**Key words.** reinforcement tasks, faced challenges, ways of assessment, increasing, growing tendency, fluent, developments and issues, reading comprehension exercises, better integrate vocabulary learning, comprehensive approach.

**Аннотация.** В статье рассматривается важность изучения иностранных языков по сравнению с родным языком и совершенствование процесса изучения языка. Также подчеркивается дальнейшее совершенствование изучения английской грамматики и языковых навыков.

**Ключевые слова.** задачи подкрепления, стоящие перед нами проблемы, способы оценки, увеличение, тенденция роста, свободное владение языком, упражнения на понимание прочитанного, лучшая интеграция изучения словарного запаса, комплексный подход.

Students are encouraged to work on the grammar topics of the diagnostic exercise by taking an assessed test in the second half of semester. We suggest that they make a revision plan, which they show to their language tutor. They work on these topics autonomously with the help of their grammar book and its accompanying workbook (Hawkins *et al.*, 1997) as well as online exercises on WebCT. The latter may need to be reinforced to enable those who, despite their good A Level results, are now coming to university with very little knowledge of grammar and limited grammatical terminology.

In the first year we also have a weekly lecture on key grammatical topics. These